

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-ИЛ ЧИҚИШИ
№ 74 (1594)
13
АПРЕЛЬ
ЧОРШАНБА
1960 ЙИЛ
БАҲОСИ
20 ТИЙИН.

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Бутун кучни партия XXI съездининг жаҳоншумул тарихий қарорларини, коммунистлик қурилишнинг улғу вазифаларини бажаришга қаратингиз!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чакриқларидан).

Биринчи майни меҳнатда янги ғалабалар билан кутиб оламиз!

Областимиз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг майолди Чакриқларига жавобан етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани тобора қизитмоқдалар

ЛЕНИН ПАРТИЯСИНИНГ ЖАНГОВАР ЧАҚИРИҚЛАРИ

Ленин партиясининг жанговар традицияси май Чакриқлари жаҳон бўйлаб яна бир бор мағрурона, тантанавор чиқради. Баҳор байрами арафаларида, шонли коммунизм етти йиллигининг иккинчи йили баҳорида партиянинг оташин Чакриқлари улғу Советлар Ватанининг қудратли садосидек баралла жарангламоқда. Бу Чакриқлар тинчликка, тотув яшашга, инсониятнинг порлоқ ва ёрқин келажакга — коммунизм таянчаси учун курашга йўловчи улғу ғояларини ўзига мунассам этгандир.

Коммунизм мамлакатининг илҳом ва ижод булоқлари тўлиб-тошган жўшқин ва ғўзал баҳори бошланди. Бу баҳор «совуқ музлар»ни эритиб, инсониятга осойишта, тинч ҳаётнинг ёқимли, оромбахш шабадаларини келтирди. Доно Коммунист партиямиз ва жонанжон Совет ҳукуматимизнинг бутун дунё эрксевар халқлари ҳурмат қилган тинчликсевар ташқи сиёсати ҳақиқатан ҳам инсониятни уруш вазвасидан тараққиёт сари, осойишталик сари йўлламоқда. Совет ҳукуматининг бошлиги ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг АҚШга, Осиё мамлакатларига, Францияга қилган тарихий сафари инсониятга қанча-қанча тинчлик ҳақидаги олижаноб хушхабарларни олиб келди. Қуролсизланиш, атом ва термоядор қуроллари синовларини батамом тўхтатиш ва уларни тавқиқлаш Германия билан сулҳ шартномаси тузиш, иккимой системалари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш ҳақидаги доно фикрлар — буларнинг ҳаммаси сулҳпарвар, чинкам халқпарвар Совет Иттифонининг амалий таълифларидир.

КПСС Марказий Комитетининг майолди Чакриқларидан ана шу доно денгизча ташқи сиёсат ана ҳам баралла жаранглайди.

— Яшасин Совет Иттифонининг денгизча ташқи сиёсати — иккимой тузумлари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш сиёсати, тинчлик ва халқлар хамфаслигининг сақлаш ва мустақамлаш, халқларнинг эркинлиги, ва мустақиллигини ҳурматлаш, барча мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантириш сиёсати!

Коммунистлик жамият барпо этиш — совет халқининг азгу орузу ва мақсадидир. Биз Ленин кўрсатган йўлдан бориб, замонавийнинг ақли, ироқли, ижодчи ва шон-шарафи бўлган улғу Коммунист партия раҳбарлигида коммунизмнинг ана шу чўққилари сари дадил бормоқдамиз. Бизнинг қўлимизда марксизм-лениннинг ғўлиб, улғу, енгилмас байроғи бор. Бу байроқ коммунизм йўлига машаъл каби ўз ёдусини сочиб турибди. Улғу Советлар мамлакатидидаги барча миллатлар, халқлар марксизм-ленинизм байроғини, пролетар интернационализм байроғини баланд кўтариб, дўстлашиб, ишлашиб, бир-бирларига ёрдам бериб коммунизм йўлидан бора-яйтилар. Коммунизм йўли — тинчлик ва дўстлик йўли, шонли ва фаровонлик йўлидир. Совет Ўзбекистон — халқлар дўстлигининг Шарқдаги машаъли. У, қардошлик республикаси, ленинча миллий сиёсатининг ифодаси. Тошкент — Совет Шарқининг дарбозаси, дўстлар учун ҳамisha очик дарбозадир. Мамлакатимиздаги барча халқлар ўзларининг мақсад ва интиллари, ижодий меҳнат ва ватанпарварликлари. Ватан, халқ, партия ишга бўлган чексиз садоқатлари билан бир-бирларига абадий дўст бўлиб, қардошлиқнинг бузилмас иттифо-

қиға бирлашгандирлар. Шунинг учун ҳам бу дўстлик — қудратли ва енгилмасдир!

— Яшасин ва яшасин кўп миллатли социалистик давлатимизнинг куч ва қудрат манбаи бўлган СССР халқларининг қардошларча дўстлиги!

Совет халқи — коммунизм меъмори, ижодкор қурувчи, қаҳрамон халқ. Жамиятнинг моддий бойликларини яратди, меҳнат аҳлини кийинтиради, Ватанини безайди, ғўзал қилди, коммунист мўл-кўлчиликни вужудга келтиришда тер тўкиб ишлайди. Дастгоҳларда, қурилишларда, шахталарда, конларда ишчилар синфининг шонли меҳнати алға олам-олам моддий бойликлар келтираётди. Колхозчи деҳқонларимиз бўлса эл-юртга маъмурилик келтириш йўлида кўпроқ ғалла, пахта, картошка ва сабзавот, ёғ, тўш, сут, хуллас ҳаммасини тобора кўпроқ етказиб бериш учун зўр жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқда. Шу кунларда Ленин вахтасида туриб меҳнат қилаётган Тошкент ва Чирчиқ машинасозлари, Оҳангарон шахтерлари, Олмалик ва Янгйер қурувчилари, пахта далаларимизнинг азамат механикаторлари, меҳнатсевар колхозчи деҳқонларимизнинг шонли меҳнатчини ким тан оласин ва йадраламасин! Ишчилар ва колхозчи деҳқонларимиз қудратли иттифоқда бирлашиб етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш. КПСС XXI съездин тарихий қарорларини амалга ошириш йўлида мўъжизалар кўрсатиб йшламоқдалар.

Яшасин совет тузумининг мустақам ва бузилмас негизи бўлган ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонларнинг бузилмас иттифиқи!

— Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Етти йиллик планни тўла ва ошириб бажарайлик! Мамлакатимиз экономикаси, маданиятининг ва халқлари фаровонлигининг янада зўр куч билан юксалишига, социалистик Ватан қудратининг янада мустақамлашшига эришайлик! Коммунистлик қурилишда янги ғалабалар сари, олга!

Космик фазони бўйсундириш йўлини бошлаб берган совет олимлари, инженер-техник ходимлар, ишчилар, халқ бахтсодати йўлида хизмат қилаётган халқ маорифи, медицина, матбуот, радио, телевидение, совет, савдо ходимлари, ёзувчи, хуллас турли хунар ва касб эгалари бир мақсад йўлида, коммунизм улғу ишининг тантанасига муносиб ҳисса қўпиш иштиёқи билан яшамоқдалар. Партияимизнинг Биринчи май Чакриқларида ана шу ҳар бир совет кишининг иродаси, мақсад ва вазифалари баён этиб берилган.

Жаҳон пролетариатининг улғу йўлбошчиси, дунёда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 90 йиллиги яқинлашмоқда. Биз мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги эришган даражасига, биз чиқиб олган ва коммунизмнинг кенг горизонтлари равшан қўрилиш турган чўққига ленинизм ғўлиб ҳаётбахш таълимоти туфайли улғу Ленин партиясининг доно раҳбарлиги, етакчилиги туфайли эришдик. Шу сабабли улғу партияга минг-миңг офирларлар деймиз, унга бениҳоят чексиз садоқат ва муҳаббатимизни ана бир бор изҳор қиламиз!

— Яшасин Ленин тузган шонли Совет Иттифоқи Коммунист партияси — Совет халқининг коммунизм қуриш учун курашдаги буюк илҳомбахш ва раҳбар кучи!



ЮКСАК МАЇБҲУРИЯТ

Бўстонлиқ районидидаги Фрунзе номи колхозининг бош чўлини ўртоқ Бейсен Асиялов кўп йиллардан бери ҳар йўз бош совлақдан 115-116 тадан қўзи олиб келмоқда. Бу йил унинг боқимиди 403 бош совлақ бор. Ана шу совлақларнинг ҳар йўз бошдан 130 тадан қўзи олишга аҳд қилган тажрибали чўпон март ойининг охиригача қўзилар сонини 503 бошга етказди. У қолган совлақларни ҳам беҳаттар қўзилатиш ва уларни яхши парвартиш қилиб тўла сақлаб қолиш, шу йўл билан юксак мажбуриятини ортири билан бажариш учун курашаётди.

Бейсен ака ҳар бош қўйдан тўрт килограммдан жун олишга сўз берган. Шунингдек у, февраль ойи ичидида қўзилар совлақлардан йил охиригача ана бир марта қўзи олишни планлаштирган. Шу мақсадда ҳозир қўзи отаридаги қўйлари яхши тўйдириб, иссиқ жойларда асрамоқда.

Орденлик чўпон ўртоқ Айдарбек Қўшкинбоев отарида ҳам қўзилатиш кампанияси муваффақиятли ўтаётди. Ўртоқ Қўшкинбоев ўз боқимидидаги 400 совлақнинг ҳар йўз бошдан 150 тадан қўзи олиш учун курашаётди. Бу ерда эгиз туққан совлақлар алоҳида парвартиш қилинмоқда. Колхоздаги 17 отарини ҳаммасида ҳам қўзилатиш ва қўйлари боқим ишлари ана шундай намунали ўтаётди. Бу чўпонларнинг майолди Чакриқларига жавобидир.

О. УСИПБОВ.

Ваъдаимиз қатъий

Маълумки, коллективимиз зиммасига миришор пахтакорларининг отарини енгил қилдиладиган пахта термаш машиналари ишлаб чиқариш ҳушарили вазифа юклатилган. Бу маъсуляти ишнинг бутун тўлалиги билан ҳис қилган машинасозларимиз йил бошидан бир меърада ишлаб тадирга сазовор ютуқларини қўлга киритдилар.

Ҳозир корхонаимизнинг қайси деҳхата кйрманг, доҳимиз В. И. Ленин туғилган кун шарафига оширилган мажбуриятлар олиб ишлайётган кишиларга дуч келасиз. КПСС Марказий Комитетининг майолди Чакриқлари бир таи, бир жон бўлиб меҳнат қилаётган коллективимизга қайрат-гайрат, кучига-куч қўшиб юбора-бан апрель ойида пландагидан ташқари 24 та ва йилгиз-термаш машинаси бўлашақига қадар 400 та ХВС-12 пахта термаш машинаси ишлаб чиқариш мажбуриятининг сўзи билан иш бйр. Биз бундан буюн ҳам баракали меҳнат қилиб албатта ваъдаимизнинг устидан чиқамиз.

А. МУҲАМЕДОВ,
«Ташсельмаш» заводининг
фрезерчиси.

КПСС Марказий Комитетининг майолди Чакриқлари Тошкентдаги 1-босмахона ишчилари ва инженер-техник ходимларини меҳнатда янги зафарларга руҳлантириб юборди. Суретда: корхона комсомол комитетининг секретари ўртоқ Х. Обидов партиямиз Чакриқларини босма деҳхат ишчиларига ўқиб бераётди.

Биринчи май Чакриқларига жавобан

«Ўзбексельмаш» заводининг цехларида осиб қўйилган қизил алвонларга КПСС Марказий Комитетининг Биринчи май Чакриқларидаги машинасозларга мурожаат қилиб айтилган оташин сўзлар ёзилган:

— Иш унуми юксак бўлган ва тежамли энг янги машиналарни, асбоблар ва ускуналарни ишлаб чиқаришни тезроқ ўзлаштирингиз! Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини техника билан қайта қурулантириш учун, ишлаб чиқаришнинг кенг равишда автоматлаштириш учун зўр бериб курашингиз!

Завод ишчилари ва инженер-техник ходимлари бу Чакриқнинг қизил кутуб олдилар Чакриқда машинасозлар Ленин меҳнат вахтаси кунларида қилган катта ишларининг маъмуланишини кўрдилар.

Корхона коллективини ишлаб чиқаришнинг ички резервларидан моҳирлик билан фойдаланиб, чигитни аниқ миқдорда квадрат-уялаб ақадиган икки миңг селакани йил бошидан буюн тайёрлаб, мамлакатнинг пахтакор районларига юборди. Бу — планда белгиланганидан икки баравар кўпдир. Дала ишлари олди-

дан селакаларга йиллик планининг 60 проценти миқдорда запас қисм етказиб берилди. Жумладан, пахтакорларга режа симининг беш миңг комплекти юборилди.

— Биз ўз ишимиз билан пахтачиликни янада ривожлантиришга ёрдамлашганлигимиздан фазрланамиз, — дейди механика-йигув цехининг тоқари Михаил Степанченко. — Цехимизнинг ҳар бир ишчиси Ленин вахтасида туриб ишлаб, меҳнат унумдорлигини кескин оширди. Мен аъзо бўлган Владимир Ермошкин бошлиқ коммунистлик меҳнат бригадаси сменна топиригини уч баравар ошириб бажармоқда. Елизавета Чижикова бошлиқ коммунистлик меҳнат бригадаси ишчи кунига 2,5 норма қилиб бажармоқда. КПСС Марказий Комитетининг Чакриқларига биз меҳнатда янги муваффақиятлар, билан жавоб берамиз. Апрель ойида қўшимча тарзда муайян миқдордаги чигитни квадрат-уялаб ақадиган 500 селак ва режа симининг 2 миңдан ортиқ комплектини тайёрлаб берамиз. (ЎЗТАГ).

Пландан ташқари газлама

Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчи ва хизматчилари КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чакриқларини меҳнат соҳасида қўлга киритилган ўз муваффақиятларини қўлайтириш учун астойдил ва яқинлона интилиш туйғулар билан кутуб олдилар.

Комбинатда лойиҳада белгиланган қувватдан ошиб кетилди. Бироқ коллективнинг кўпроқ пишиқ ва чиройли газламалар ишлаб чиқарилай деган шйор остида меҳнат қилаётганлиги унга янгидан-янги резервларни қидириб топишга ёрдам бермоқда.

— Етти йилликнинг иккинчи йилида, — дейди комбинат партия

комитетининг секретари А. К. Сергеева, — бизнинг коллективимиз Ватанга пландан ташқари бир ярим миллион метр газлама беришга аҳд қилган эди. Бу мажбурият муддатидан олдин, Ленин меҳнат вахтаси кунларида бажарилди. Комбинат ишчи ва хизматчилари партиянинг Чакриқларига жавобан шу кунларда янги, оширилган мажбуриятларни ишлаб чиқмоқдалар. Бу мажбуриятларнинг бажарилиши етти йиллик планни энг қисқа муддатда адо этиш имконини беради.

Тошкентлик тўқимачилардан тўқувчи Л. Светамова ва В. Сухорукова, шунингдек мастер ёрдамчиси А. Бачаровнинг номлари бутун Ўзбекистонда машҳурдир. Улар маши-

на-ускуналардан яхшироқ фойдаланиш учун мусобақа бошлашга ташаббус кўрсатиб, 1965 йил учун белгиланган даражадан ҳозирдаёқ ўзиб кетдилар. Бугунги кунда ўзлаб ишчилар ана шу дондир тўқувчилардан ўрнак олиб ишламоқдалар.

Қимматли почин ташаббускорлари эришилган муваффақиятлар билан қаноатланиб қолмастлар. Етти йилликнинг иккинчи йилида Л. Светамова ва В. Сухоруковалар планга нисбатан қўшимча равишда шунча газлама тўқиш мажбуриятини олдиларки, бу газлама йигирма мингта қўйлақ тикиб чиқариш учун қифой қилади. (ЎЗТАГ).

Амалий иш учун раҳбарлик

ЯНГИЙЎЛ. 11 апрель. (ЎЗТАГ). Янгийўл районидидаги Сталин номи колхозда экиш ишлари қизиб бормоқда. Бугун 9 та бригадаларнинг ҳаммаси далага чиқди, 26 агрегат ишламоқда.

КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чакриқлари колхоз пахтакорларининг меҳнат гайратини ошириб юборди. Чакриқлар билан танишиб бўлингандан кейин комплекс механизациялашган еттинчи бригадала самийи суҳбатлар бўлди. Бригада бошлиғи коммунист М. Хожибоев бу ерда тўпланганларнинг фикрини ифодалади.

— Ленин партиясининг 1 Май

Чакриқлари, — деди у, — бизнинг фикримизни, иродамизни ва ҳаётий манфаатларимизни ифода этди. Партиянинг халққа қарата чиқарган мурожаати ишимизга раҳбарликдир. Бу йилги қўлкам жуда инжиқ келди. Ноқулай об-ҳаво шариоти туфайли вужудга келган қийинчиликларни енгиб ўтмоқ учун меҳнатда ушқоқликни кучайтириш зарур. Биз маъжуд резервларнинг ҳаммасини ишга солиб, чигит экишни 6—7 кун ичида тугаллашми йўлаб гурибмиз. Колхоздаги бошқа бригадаларнинг ҳаммаси ҳам чигит экишни ана шундай қисқа

муддат ичида тугаллашга аҳд қилдилар. Агрономлар, бригадирлар, шунингдек тажрибали колхозчилар агрегат ишининг сифатини текшириб бормоқдалар. Агрегатнинг чигитини белгиланган миқдорда экишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ана шундай агрегатларнинг ёрдами билан шу мавсумда 200 гектар ерга чигит квадрат-уялаб экилади.

Колхоз аъзолари бу йил ўтган йилдагига нисбатан давлатга 300 тонна кўп пахта сотиш ва механизацияни жорий қилиш ҳисобига пахта етиштиришни анча арзонлаштириш мажбуриятини олдилар.

В. И. Ленин — журналист, редактор, публицист

Адиб, ёзувчи, муҳбир, журналист, публицист... — Владимир Ильич Ленин ўз касбини қўлича мана шундай деб атаб турар эди.

Давлат сиёсий адабиёт нашриёти томонидан босиб чиқарилаан «Ленин — журналист ва редактор» номи катта тўпламдаги материаллар Владимир Ильичнинг мисли қўрламаган редактор ва партия публицистикасининг моҳир устаси эканлигини кўрсатиб турибди. Тўпламда улғу йўлбошчининг газета ва журнал ишларининг принциплари ҳақидаги мақолалари, хатлари, айрим фикрлари, В. И. Ленин тахриридан ўтган мақолаларнинг қўлёзмалари, Лениннинг баъзи асарларининг планлари, В. И. Ленин замондошларининг унинг партия матбуоти органларидаги фаолияти ҳақидаги хотиралари киритилган.

Шу нашриётда Б. В. Яковлевнинг «Ленин публициста» деган китоби ҳам босмадан чиқди. Китоб автори еттига очеркни В. И. Лениннинг публицистик фаолиятига бағишлаган. Бу очеркларга, Лениннинг дастлабки рефератлари, варақалари, брошюраларидан тортиб, 1922—1923 йилларда ёзилган мақолалари асос қилиб олинган. (ТАСС).

МУҲУЛИСТОН ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ БҲОК ХАЛҚ ХУРАЛИ
ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАИСИ
Ж. САМБУ МОСКВАГА КЕЛДИ

Мўғулистон Халқ Республикаси Буюк Халқ хуралди Президиумининг Раиси Жамсарангийн Самбу СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошиловнинг таклифига мувофиқ, 12 апрелда Москвада дўстлик визити билан келди.

Внуково аэродромида Ж. Самбун К. Е. Ворошилов, Н. Г. Игнатов, Ф. Р. Козлов, Н. А. Муҳитдинов, ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Т. Кулатов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Д. Ф. Устинов, Россия Федерацияси Олий Совети Президиумининг раиси Н. Н. Органов, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, Совет-Мўғулистон дўстлиги жамияти правлениесининг раиси Совет Иттифоқи маршали С. М. Будённый, министрлар, шунингдек чет эл дипломатлари кутуб олдилар. Аэродромда Москва меҳнаткашларининг кўпгина вакиллари тўпландилар.

Тантанали кутуб олиш вақтида К. Е. Ворошилов ва Ж. Самбу нутқ сўзладилар. (ТАСС).

ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ БОШ
МИНИСТРИ АДНАН МЕНДЕРЕС-
НИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИГА
ҚИЛАДИГАН САФАРИ ТЎҒРИСИДА

Совет-Туркия муносабатларини яхшилаш масалаларини ҳамда ҳар иккала томонни қизиқтирувчи бошқа масалаларни муҳокама қилмоқ учун СССР ва Туркия ҳукуматлари бошлиқлари ўртасида юксак даражада учрашув ўтказиш масаласида Совет ва Туркия томонлари кейинги вақтларда Анкарада фикрлашиб олдилар. Томонлар СССР Министрлар Совети Раиси билан Туркия Республикаси бош министрининг ўзаро визит аламушуварли фойдали бўлади, деган фикрга келдилар.

Шу муносабат билан СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг таклифига биноан, Туркия Республикаси бош министри Аднан Мендереснинг 1960 йилда июль ойида Совет Иттифоқида расмий визит қилиб келиши тўғрисида битимга келинди. Туркия бош министрининг Москвага қайси кун келиши қўшимча равишда аниқ белгиланмади.

Шу визитдан сўнг Н. С. Хрушчев Туркия ҳукуматининг таклифига биноан, Туркияга визит қилиб боради. СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг Туркияга қачон бориши кейинроқ белгиланади.

Область районларида чигит ва маккажўхори экишнинг бориши тўғрисида 1960 йил 12 апрелгача бўлган
МА Ё Л У М О Т
(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Чигит	Макка-жўхори	Районлар	Чигит	Макка-жўхори
Бекобод	122.2	41.4	Ўрта Чирчиқ	3.1	14.3
Оқдўғрон	92.2	41.1	Янгйер шаҳри	3.1	27.3
Сирдарё	7.6	48.3	Оржоникидзе	2.0	22.0
Янгийўл	7.1	41.4	Юкюри Чирчиқ	0.1	3.8
Чиноз	6.4	16.0	Бўстонлиқ	—	8.2
Бўқа	6.3	20.1	Калинин	—	7.1
Қўйи Чирчиқ	5.0	31.9	Олмалик шаҳри	—	1.0
Гулистон	4.6	38.1	Оҳангарон шаҳри	—	—
Пискент	3.3	37.5			


~~~~~

Корхона коллективи шу кунларда  
нада зўр гайрат билан меҳнат қи-  
лди. Духимиз В. И. Ленин ту-  
ғилиш учун куч-гайратларини аям  
ёттирлар.

Т. УРУНОВ.

Доҳимиз В. И. Ленин туғилган  
и шарафига оширилган мажбу-  
р орасида уста тоқар Айдиғр  
Зна-в ҳам бор. Корхона коллективи

**„ТОШКЕНТ  
ҲАҚИҚАТИ“**  
2-БЕТ, 1960 ЙИЛ, 13 АПРЕЛЬ.

иодискин кескин камайтириш ва бандарт бўлмаган тола ишлаб чиқаришга ҳоҳима бериш иқисоди туғили. Пахта ва толали қўшмича вийида тозалаш учун уларнинг тавдидига ифодиски ва чангинг қиб оладиган установкалар монж қилинди. Тола состидаги кан- ла, латта-лутта ва бошқаларни мағина камайтиришга эришилди. Диди шу мақсадда тўрт барабани на ажраткичлар қўшмича равийида толалини тутиб қолдиган бара- банлар ўрнатилади. Бундан ташқари

Мусобақадорларимизнинг ҳақти эътирозларини ҳисобга олиб, сифат- ли тола етказиб бериш учун кура- шадан Тошкент Совнархозин пахта тозалаш заводларининг коллектив- лару шу йилининг ўзидеҳ қатор тадбирларни амалда оширишга қарор қилдилар. Чунинчи:

тайёрлаш пунктларида бешта қу- ритиш-тозалаш цехи барпо қилини; қатор қуриш-тозалаш цехлари- даги БУМ маркали тозалогичларни янзада таомиллаштирилган ЧХ-3М тозалогичлар билан алмаштириш;

дан утудан вози кечмасдан, асо- га уларни самарали ишлайди замонавий асбоб-ускуналар би- жиҳозлаш лозим. Лекин бундан қизимизга юклатилган вазини енгиллаштирмоқчи эмасми. Ш- дай қилинганда ҳар бир фаб- риза ҳаётичи учун зарур со- либ толали ҳоҳлаган вақтда тай- лаб олиши мумкин.

**А. НОРМУҲАМЕДОВ**

Тошкент Халқ ҳужукалани- гаши пахта ва лубин даст- ки ишлаган саноатин бошқа масалининг бошлиғи.

лар амалга оширилмоқда. Илгари эски деталларни тайёрлаш, қиратиш аниқ қийинчилик туғиларди. Ҳозир деталларнинг заготовкасини тайёрлайдиган аниқ станок урати-  
на шу процесс аниқ осонлаш-  
тирилди. Шунингдек деталларни  
тайёрлайдиган установка ҳам қўл  
қўйилганини аниқ енгиллаштирди.  
Бундай тадбирларнинг амалга  
оширилиши меҳнат унумдорлигини  
— 50 процент ошириш имконини  
— Шунингдек деталларни  
тайёрлашда завод коллективини айрим  
деталларни қиратишда тайёрламоқда.  
Жумладан, автомобиль рессори учун  
тутика, руль механизми, сигнал  
қисқаси каби қиратишда тайёрла-  
наётган деталлар енгил ва ихчам-  
лир. Шу йўл билан қорхонада ан-  
чагина рангли металл тежасмоқда.  
Заводни кенгайтириш юзасидан  
ҳам бир мунча қоралар қўрилмоқда.  
Иқинда 2 та цех Келес массивига  
— Келес станцияси атрофи  
қурилаётган қатта бино битган,  
дейди заводнинг бош инженери  
тоқ Р. Хўжаев, — заводимиз  
ерга қўйирилади. Ана ўшанда  
Йилига 3 мингдан ортиқ автомобиль  
ва 2 минг комплект агрегати қат-  
тал ремонтдан чиқарадиган бўлам

3. МУҲАММАДЖОНОВ

моҳиқлар, Ҷ.Ҷ совет космик раёсони учирган, кўп босқичли ва кучли ракетага яратган, Ленин атом муёбарини ишта туширган, етти халқи Коммунистик партия барлиги остида янги-янги муваффақиятлари кўлга киритмоҳиқлар. Индида Совет давлати социалистик демократияни ривожландириш, меҳнаткаш халқ омасининг удий ғайрати ва таъаббусини ҳар вафалама қўллаб-қувватлаш ва таъаббуси ошира бориш йўли билан партия давлатни идора этиш иштига жалб этмоҳида. Давлат органи-

В. И. Ленин таълимотиға содиқ бўлган Коммунистик партия халқ омасини давлатни идора этиш ҳамда де ҳужаликка раҳбарлик қилиш ои ҳасидатиға фаолиятини кун сайин ошириб бормоҳида. Етти йиллик планининг контроль рақамларининг умумхалқ томонидан кенг муҳокама қилиниши бунинг ёркин исмолидир. Бу улуғвор программанинг умумхалқ муҳокамасида 70 миллиондан ортиқ киши қатнашиб, 5 миллионга яқин киши ўз музоҳазаларини ва тақлифларини айтадилар. Коммунистик партия Совет давлатининг омма би-

тотон қилдириш вақти меҳнат ва жамийиш меҳнат ўртасидатиға таъаббуслар йўқолади. Меҳнат иссини ҳаётни зарурий этҳтижига айлади ва жамият аъзоларининг оммаданияти ёксак даражаға кўталади. Бу омиллар давлатнинг айти функцияларининг себсий характерини йўқотди ва давлатта бўлган таъаббус ўз-ўзидан йўқолади.

Уртқо Н. С. Хрушчев ВЛК XIII съезидида сўзлаган нудий коммунизм тўла ғалаба қилган ва таъаббус бўлган этҳтиж ўз-ўзидан йўқолади деган Ленин таъаббусини ривожлантириб бундай де

Етти йилликнинг иккинчи йили-  
та 4 та кишлоқ, 3 та ёзлик кино-

халқ дўстлари, ёшлари  
ниги жамоатчилик ташкилотлари  
ташқил этилиб, улар социалистик  
тарбиялантишнинг бузувчиларини  
қамбиялаш ва қайта тарбиялашда  
хизмат қилмоқдалар. Бу жа-  
моат ташкилотларининг роли ва об-  
рўси кун сайин ортиб бормоқда. Иш-  
лаб чиқариш ташкилотларининг  
коллективлари илгари суд ҳўқими  
билан жавобгарликка тортилган

юридик фанлари кандидати.







## Район территорияси кўркам ва озода бўлади

Шу кунларда Тошкентда ўтказилган ободонлаштириш олимпиада барча жамоат ташкилотлари, завод-фабрикаларнинг ишчи-хизматчилари, ўқувчи ва студентлар, жуда кўп маҳалла меҳнаткашлари актив иштирок этмоқдалар. Жумладан, бу ишга пойтахтимизнинг Киров район меҳнаткашлари ҳам ўз ҳиссаларини қўймоқдалар.

Ўтган дам олинган кун эртабдан оқ район территориясидан завод-фабрикалар, турли корхона ва муассасалар, ўқув юртлари ҳамда маҳалла комитетлари бинолари томон кишилар тўп-тўп бўлиб кела бошлади. Уларнинг қўлида бел-кўрак, кетмон ва замбил. Соат 9 бўлмасдан оқ район кўчаларида ободончилик ишлари қилиб кетди. Бирор ариқ тозалаш, бирор йўл текислайтириш, яна бирор бетон қўйишга тахта тайёрлаб беради. Тажрибали дорбонлар тўп ўтказишди, кўчат экишди. Корхоналардан ажратилган автотранспортларда эса тўпланган ахлат ташинди. Бир неча машина қум ва шугал келтириб турди.

Бу ишда айниқса экскаватор-ремонт заводи коллективи намуна кўрсатди. Завод ишчилари Соув аригини тозалаш, унинг қирғоқларини бетонлаштириш, ариқ четларига 400 туғна яқин дархат кўчати ўтказди. Уста Ширин кўчасига экилган дархатлар тез кунда бу кўчани ям-яшил хилбонга айлантиради.

Шунингдек «Ўзбексельмаш» заводи ишчилари, 105-мактаб ўқувчилари ва районнинг шарқий зонасида яшовчи аҳоли ҳам кўчаларни асфальтлаш, ариқларни тозалаш ва йўللари текислашда гайрат билан ишладилар.

Яқинбаланикнинг қўлгина қатнашчилари кўпқавтарли уй ҳовлиларида болалар майдончалари барпо қилиш билан шуғулланишарлар. Облик давомиди районда 23 та болалар майдончаси ташкил қилинади. Шунингдек облик охиригача район бўйича 6 километрлик ариқ тозаланиб, қирғоқлари бетонланади, 45 минг туғна яқин дархат кўчатлари, 700 минг туғна ва бутта ўтказилади, 80 мингта яқин ихота дархатлари экилади.

Район меҳнаткашлари ҳар бир кўча, ҳар бир ҳовлини кўкамзор, озода ва кўркам қилишга аҳд қилганлар.

К. ФИНАНСОВ.



Яқинда Тошкентда кино ва театр ҳодимлари Уйи очилди. Суратда: Мудийи театрининг артистлари Райхон Тўраева ва Суръат Пулатов ўроқлар янги маданий муассасанинг очилишига бағишланган тантанادا ўз санъатларини намойиш қилмоқдалар. Г. Пун ва Р. Шамсуддинов фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Истеъмол қилган овқатларимиз 25 сантиметргача узунликда бўлган қизил ўнғор орқали тўғри меъда (ошқозон)га тушади. Овқат меъдага тушиши билан меъда ички деворидagi нийҳотда кўп майда безлар тайёрлаган сувоқликлар билан аранашиб, ишланади. У меъдада ишлангандан кейин 12 бармоқли ичкака ўтиб, унда ошқозон ости беги тайёрлаган қимёвий сувоқликларга йўлланади. Яна ишланади. Бундан сўнг овқат нигичка — йўғон ичкакаларга ўтиб, нигичка ичка безлари тайёрлаган сувоқлик (ширалар билан қўшилган, яна ишланади. Овқат ичкакага ҳаёт учун зарур энергияни берувчи кўмир сув (углевод)лар киши организмидан қурилиш материаллари ҳисобланган оқсил, майлар танадаги аъзоларнинг ҳужайраларига сингидиган ҳолга келгунча нийҳот даражада мураккаб бўлган физик, қимёвий ўзгаришларга учрайди.

Бу қимёвий процесслар бир-бири билан боғланган ҳолда содир бўлади. Овқат ҳам организмдаги безларнинг биронтаси ишкетилаеса, улардан ширалар чиқмай қолса, ёки овқат ҳам қилиш учун оғир бўлса ва бир меъда ичкини моҳиятини ҳам бўлишига зарар келтирадиган бўлса, ейилган овқат киши аъзоларининг ҳужайраларига сингмайди ва ҳужайралар озуқаси қолиб ўла-бешлади.

Шираларнинг оз ёки кўп ажра-



Ўтган шанба ва якшанба кунлари В. И. Ленин туғилган кунининг 90 йиллиги олдидан мотоциклчи спортчилар мусобақаси ўтказилди. Унда Ўрта Осиёдаги уч республика шахарлари ва Қозғоғистон спортчилари катнашди. Биринчилиكنи олган Олма-Ота командасига эскилик мукофоти — В. И. Ленин бюсти топширилди. Сталинобод командаси иккинчи тошкентликлар учинчи ўринни олдилар. Сиз сурада кўриб турган Нурмат Разаев (чапда) ва Абдусамат Асадуллаев Тошкент командаси тасвафиди бундай оммавий мусобақада биринчи марта катнашиб, яхши муваффақиятга эришдилар. Уларнинг ҳар иккаласи спорт мастери нормасини бажарди. В. Володин фотоси.

## МУХБИРИМИЗ БИЛАН СУХБАТДА

### Бир йил давом этган гастроль

Ўзбек санъати ва адабиёти де-кадада қатнашган Тошкент давлат цирки коллективи Москвада ўз санъатини муваффақият билан намойиш қилган эди. Москваликлар тошкентлик цирк усталирининг ишчиларини зўр қизиқтириб билди томоша қилдилар. Улар 25 та ривожланиётган ўзбек цирк санъатига юқори баҳо бердилар.

Декададан сўнг циркининг ўзбек коллективи иккинчи ҳисобот бериш учун мамлакатимиз бўйлаб катта ва узоқ гастроль сафарини бошлади. Бир йилдан ортиқ давом этган бу гастроль сафариди РСФСР ва Ўзбекистон ССР халқ артисти машҳур дарбоз Эсамберди Тошкентбоннинг ўғли ва набиралари, Ўзбекистон ССР халқ артисти, моҳир чарвазои Карим Зарипов оиласи — оғил чавандозлар гуруҳи ва Республиканида хизмат кўрсатган артист комик Акрам Юсупов раҳбарлигидаги қизқичлиқ турпалари Иттифоқимиз бўйлаб намойиш қилдилар.

Мухбиримиз билан бўлган суҳбатда гастрольнинг бадий раҳбари, республикада хизмат кўрсатган артист Обид Тошманбоев қўйилганларини айтди.

— Гастроль биз учун жуда катта иқтисодий синов бўлди. Ўз аъзоларимизнинг мустақил коллектив сифатида намойиш қилишда Пухта тайёрларнинг кўпчилигини таъинлаш хизмати ишчиларини ўз ичига олган программани ҳамма ерда қизгин қўлиб олишди.

Гастрольимиз дастлаб Латвия ССРдан бошланди. Ригадаги тамошаларимиз муваффақиятларимизнинг бошланғич бўлди. Сўнг Таллин, Коснаеяск, Хабаровск шаҳарларида меҳмон бўлди. Бу шаҳарларда ҳам тамошаларимиз яхши қўлиб олишди. Шундан сўнг Узоқ Шарққа йўл олиб Владивосток тамошабинларига маданий хизмат кўрсатдик. Шунингдек, Кемерово, Омск, Челябинск ва Магнитогорск шаҳарларида бўлди. Тамошаларимиз ҳар шаҳарда бир ойла давом этди. Узоқ Шарқ, Урал ва Сибирь шаҳарларининг меҳнаткашлари, хуллас, қаерга бормайди бизин — серкўш Ўзбекистон вақилларини ўз оғаниларидек самимий қарши олишди. Биз уларнинг меҳмондўстликларида хурсандимиз.

Программадаги сым дор ўйинлари, чавандозлик ва акробатика машқлари, Акрам Юсупов бошлиқ П. Писик, Ф. Шарифов ва А. Зусман ва Заставников каби қизқичқиларимизнинг қишқилари кенг таъминлаб олмаганига жуда манзур бўлди. Ёш дарбозлардан Доно ва Мамлакат Тошманбоевлар, Олим Тошманбоев, чавандоз йигитлардан Илҳом Даламухамедов, Камол Мўминовлар цирк санъатини пухта ўлаштириётганликлари кўрсатилди. Республиканида хизмат кўрсатган артист Хаким Зариповнинг маҳорати кўчқилишни ҳайратга қолдирди. Шунингдек, Холда Зарипова от устида юриб миллий рақсларни икром этганда тамошабинлар унинг қизгин оқлиниладилар. Цирк режиссери, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Е. Барановский ўзбек миллий рақсларини кўпайтиришда коллективга яқиндан ёрдам қилди.

Коллективимиз гастроль давомиди ўз маҳоратини ошириб, программани янги-янги номерлар билан бойитиблар. Биз бу жиддий синовларни муваффақият билан, деяр оламиз. Гастрольда бўлган жойларимизда Улка, област ва шаҳар партия комитетлари томонидан 14 та Фахрий ёрлик билан тақдирландик. Маҳаллий матбуотларда гастроль тамошаларимиз мунтазам равишда ёритиб турилди. Босилган тақрирларда коллективимиз қишқиларига юқори баҳо берилди.

— Қадрдон пойтахтимизда тамошабинларини ҳам ўз санъатимиз билан мамну қилишга ҳаракат қилишимиз, — деди Обид Тошманбоев, суҳбат охирида.

Узоқ давом этган гастроль сафаридан қайтган бу иқтисодий коллектив шу кунларда Тошкент давлат циркида ўз тамошаларини кўрсата бошлади.

## МЕДИЦИНА ТЕМАСИДА

### ОВҚАТЛАНИШ РЕЖИМИГА РИОЯ ҚИЛИНГ

либ чиқиши овқатнинг характерига ҳам бориқ бўлганидан, бу миқдор ўғариб ҳам туради. Спиртли ичимликлар эса шу ҳаётбахш қимёвий шираларини ишлаб чиқарувчи сувоқ безларга, меъда безлари, меъда ости безлари, ичка безларини ишдан чиқариб қўяди. Алкоголь таъсирида жигарнинг ҳажми катталашади, кейин у буришиб бутунлай ишдан чиқиб қолди. Мазкур ширалар кам тайёрланганда овқат таркибидagi зарурий моддаларнинг қонга ўтиши камалади. Овқатни санолашмасдан ейилса, яхши қайнаб ютиса, унинг ширалар билан аранашгани ва сингishi икки марта енгиллашади. Бундан ташқари бевақт ёки иштаҳа бўлмаган вақтда ейилган овқат ошқозонда туриб қолиб, ошқозонни қийнаб қўяди.

Меъда бузилса дарров ошқозонга дам бериш, кийса ва сутлик овқатларга ёки пархез овқатларга ўтиш лозим бўлади. Ошқозон ҳамма овқатга қараганда сутни яхши сингдиради. Меъдага овқат нормадан ортиқ тушса, овқатнинг сингishi қийинлашади. Нормадан ортиқ ис-

теъмол қилинган овқат фойдасизлиги бўлиб қолмасдан зарарли ҳамдир.

И. П. Павлов меъда безларидан шира ажратиб чиқишда нерв системасининг катта роль ўйнашини аниқлади.

Яхши кайфият, яхши иштаҳа билан истеъмол қилинган таом баданга яхши сингиди. Таомлар нийҳотда озода, яхши пиширилган бўлмоғи лозим, овқатнинг турли-туман бўлиши, улардан ёқилиш хушбўй қилар қилиб туриши керак. Бунинг учун унда лавровий лист, укроп, петрушка, қашинч, жамбил, райхон, қорамурч, қалампир каби хушбўй зирavorлардан камиди 3 — 4 таси бўлиши ҳар тарафлама фойдалидир. Бундан ташқари кучли ва ёғлиқ овқатларни эртаб, тумда ёб, кечку-рун эса ёттишдан камиди 2 соат буриб нечоғлиқ кучсиз ва тез ҳазм бўладиган (қовоқли ширхўрди, шир-чой, сабазот шўрваси, хўрда қилиб), сабазот овқатлардан ичин ёки чой билан қаноатланиб, очинқирабқор ётиш ошқозон учун ҳам, саломатлик учун ҳам фойдалидир. Колория ҳисоби билан олганда кунлик овқатнинг 30

# Чет Элларида

## ИРОҚ ҚИШЛОҒИДА

БАҒДОД, 11 апрель. (ТАСС махсус мухбири). СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян ва унинг ҳамроҳлари бугун куннинг биринчи ярмида Бағдоддан 30 километр наридаги Латифия қишлоғига бордилар. Ироқ Республикасининг ҳукумати бу намунали қишлоқ посёлкасини атрофдаги деҳқонлар учун ўрнатқ қилиб қўрган. Бу посёлкани беш министр Косим 1959 йил 14 июлда — Ироқ Республикасининг бир йиллиги кунинда очган эди. А. И. Микоян қишлоқнинг томоша қилди, мактабни ва медицина ёрдами пунктини бориб кўрди.

А. И. Микоян бир гуруҳа деҳқонлар билан дўстона суҳбатлашди. Деҳқонларнинг тақлифига бинола, ҳурматли меҳмон уларнинг уйини бориб кўрди, хўжаликлари билан, турмуш ва машаққат билан танишди. А. И. Микоян ҳурматли меҳмонлар дастурхона қўйилган сўзларини ёзиб қолдирди: «Намунали қишлоқ қуриш яхши ташаббусдир. Бу қишлоқ революцион республика ҳукуматининг узоқ вақтлардан бери эзлиб келган олдий фалолхор (деҳқонлар) тўғрисида қилаётган раҳмўрғинини ифодалайди. Қадимий Ироқ ерида бундай қишлоқларнинг кўпроқ бўлишини истаймиз».

Сўнгра, совет меҳмонлари Бобил шаҳрига бордилар. Улар инсоният тарихининг аввалиги даврда жаҳон маданиятининг энг муҳим маркази ва қудратли Бобил давлатининг пойтахти бўлган бу қадимий шаҳарнинг байроқларини томоша қилдилар.

А. И. Микоян Бобил шаҳрини кўриб бўлгач, Бағдодга қайтди. Ироқ Республикасининг ички ишлар министри Аҳмад Муҳаммад Йхё ҳамда одамларни жойлаштириш ва ишлар министри Авий Юсуф бу сафарда А. И. Микоянга ҳамроҳлик қилдилар.

Бугун эртаб Бағдод вилоятининг губернатори генерал-майор Тоғри Фаҳмий А. И. Микояннинг резиденциясига келиб, уни аябрат қилди.

## ПРЕЗИДЕНТ СУКАРНО БИЛАН БОЛГАРИЯ ДАВЛАТ РАХБАРЛАРИ УРТАСИДА МУЗОКАРАЛАР

СОФИЯ, 11 апрель. (ТАСС). Болгария телеграф агентлигининг хабар беришича, бу ерда Индонезия президенти доктор Сукарно билан Болгария давлат раҳбарлари ўртасидаги расмий музокаралар тамом бўлган.

Музокаралар дўстлик ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтган ва халқаро ахволда дор энг муҳим проблемаларини ҳал қилишда ҳам маҳаллақат ўртасида иқтисодий ва маданий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини ўз ичига олган.

Музокаралар натижасида қўшма ахборот имзоланган.

## ТАМБРОНИ ҲУКУМАТИ ИСТЕҒО БЕРДИ

РИМ, 11 апрель. (ТАСС). Бугун Тамброни ҳукумати ўзининг мажлисида истеғо бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

процентини эртабқилиб нонуштада, 45 проценти тумда, 25 проценти иса кечкурун ейиш лозим.

Олий нав ундан ёпилган нонларда В1 витамини бўлмагани сабабидан кунда истеъмол қилинадиган ноннинг камиди 50 проценти йирик тортилган қорабугдой ёки жавдари ундан ёпилган бўлиши шартдир.

Овқатни ҳазм қилишда муҳим роль ўйнавчи сувоқликлар ичкилик таъсирида ошқозон ва ичка оезларидан кам ажратиб чиқиди.

Ичкиликдаги алкоголь таъсирида ошқозон шиллиқ пардаси ўзгарибди. Бир қисми эса нобуд бўлади, иштаҳа камайд. Ошқозонда қаттиқ оғриқ, хроник катар пайдо бўлади. Махсус техниклар «ичкилик овқатини ҳазм қилиш» деган гапларнинг беъгани эканлигини исботлаб беради. Тил, қизил ўнғач, ошқозон ва ичкаларда бўладиган рақ касали ичкиликбозлар орасида айниқса кўп учрайди.

Ошқозон ва ичкаларда бўладиган рақ касалининг 40 проценти ичкиликбозлар орасида кўрилади. Тилда бўладиган рақ касалликларининг 90 проценти спиртли ичимликни кўп истеъмол қилдиган кишиларда бўлади. Шу сабабдан овқатлаш рақ жимига қатъий рия қилиш, айниқса спиртли ичимликлардан тийилиш зарур. Овқатлашнинг режими рақнинг қилиш — киши соғлигининг гаровидир.

Р. ХУСАИНОВ.

## Тинчлик ва дўстлик митинги

БАҒДОД, 11 апрель. ТАСС мухбири И. Березниковский хабар беради: Бағдодда биринчи Совет саноат виставкасининг очилиши, шунингдек виставкани очиб вақтида СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян ва Ироқ Республикаси Бош министри Косим сўзлаган нутқлар Ироқ матбуотининг ҳаққат марказида турибди.

Газеталар Анастас Иванович Микояннинг ва Абдил Карим Косимнинг портретларини, шунингдек виставкани очиб маросими ҳақида ва ҳурматли совет меҳмонининг виставкани кўздан кечириши тўғрисида батафсил ҳисоботлар босиб чиқармоқдалар. Матбуотда виставканинг очилиши маросими ироқликлар учун қанчама ҳаққат митинги бўлди, деб таъкидланади. Бу маросимда минг-лаб кишилар ҳозир бўлди.

Газеталар ўз шарҳларида совет саноат виставкасини қўйиб қилиб, уни мақтаб ёзмоқдалар. «Бағдоднинг энг кўркам районларидан бирида қойлашган ва жуда яхши ташкил қилинган совет виставкаси Совет Иттифоқининг иқтисодий, илмий-техника ва социал муваффақиятларини ёрқин акс эттирди, — деб ёзади бугун «Саут Алаҳор» газетаси. — Виставка Ироқ билан Совет Иттифоқи ўртасида иккала мамла-

катнинг бахт-саодати йўлидаги дўстона муносабатларининг ўсиб ва мустақамлашиб бораётганлигини далил беради. Бағдоддаги совет виставкаси, — деб ёзади пировардида газетаси, — шаҳримиз аҳолиси шу вақтгача кўрган ҳамма виставкалар орасида ҳақиқатан ҳам энг гўзал ва энг кўркам виставкадир».

«Саут Алаҳор» газетаси А. И. Микояннинг виставкада сўзлаган нутқини шарҳлаб, унинг совет ва ироқ халқлари ўртасида тинчлик ва дўстлик тўғрисида айтган сўзларини ўқитиб кўрсатади.

«Микоян, — деб таъкидлайди газетаси, — совет халқи жаҳондаги барча халқларга самимий дўст бўлгани каби ироқ халқига ҳам самимий дўстлик туйғуларини изҳор қилди, деб айтди».

«Алаҳор» газетаси совет саноат виставкасини очиб маросимига баҳо бериб, бу «кўп минг кишилик митинг бўлди, унинг қатнашчилари тинчлик ва дўстликни қизгин таъриқладилар» деб ёзади.

«Аттакдуд» газетаси «Микоян самимий қўлиб олишди» деган мақолада совет меҳмонини шодона қўлиб олган ироқ халқи Совет Иттифоқига бўлган самимий ва дўстона туйғуларини яна намойиш қилди, деб таъкидлайди.

## Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлигининг иккинчи конференцияси

КОНАКРИ, 11 апрель. (ТАСС). Бугун Гвинея Республикасининг пойтахти Конакрида Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлигининг иккинчи конференцияси тантанали вазиетда очилди.

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги конференцияси тарихий Вандун конференциясининг бевосита давомидир. Африка-Осиё халқларининг вакиллари Деҳлида, Қоҳирада, Тошкентда, Аккрада, Тунисда, учрашган катта ва одамлар бўлган босқичдир. Осиё ва Африка қитъаларидаги бир неча ўн мамлакат делегатлари Осиё ва Африка халқлари вакиллари Конакридаги йиғинида тўпланилар.

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлигининг Совет комитети делегацияси бу конференцияга шу комитет раиси ёзувчи Мирзо Турсиновда бошчилигида келди.

Конференциянинг очиб маросимида республика президенти Секу Туре босқичида Гвинея ҳукумати нинг аъзолари, Гвинея жамоат, қасба саво, ёшлар ташкилотларининг вакиллари, дипломатик қорпус, маҳаллий ва ажабай матбуот, радио, кинохрониканинг жуда кўп вакиллари ҳозир бўлилар.

Гвинея Республикасининг президенти Секу Туре кириш нутқи сўзлаб, конференцияни очди.

## ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ КЕНГАШИ ДОИМИЙ СЕКРЕТАРИАТИНИНГ ХИТОБОМАСИ

КОНАКРИ, 11 апрель. (ТАСС). Осиё ва Африка мамлакатлари ҳамкорлиги кенгашининг доимий секретариати Конакридаги конференция муносабати билан Осиё ва Африка мамлакатлари халқларига хитобнома эълон қилди.

Имперализм кучлари, дейилади хитобномада, Осиё ва Африка мамлакатларининг таъйиқли остида таслим бўлмоқда. Халқаро жамоат фикри андиқлаб бўйсундирилган мамлакат-халқларининг озолиққа ва суверенитетга ёта бўлиш ҳуқуқини тин олмоқда.

Хитобномада айтиладики, Қоҳира конференциясидан кейин ўтган даврдан бери икки қитъа халқлари катта қалабаларини қўлга киритдилар, кўпгина мустамака ва дарам мамлакатлар, шу жумладан Гвинея мустақил бўлиб олди.

Биз Осиё ва Африка мамлакатларидаги ҳамма халқларни, дейилади хитобномада охирида, тинчликка ҳамда ёшларга ва батамом қуролсизланишга эришмоқ учун куч-ғайрат сарфлашга, Осиё ва Африкадаги мустамака системасига қарши сўғиш таъйиқли кўрсатиш учун, халқлар учун халқлар кучини бирлаштиришга, йрқий камситишнинг ҳар қандай шаклларига хотима беришга, мустамака давлатлари томонидан амалда оширилатган иқтисодий зуравонлиқни тутатишга ва овоз бўлган мамлакатларининг иқтисодий ривожланиши учун қудай шароитлар яратишга чакирмади. Хитобнома Осиё ва Африка мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳаракатини мустақамлаш ва кучайтиришга қақриқ билан тугалланади.

Р. ХУСАИНОВ.

## М. Глезос нутқи

АФИНА, 11 апрель. (ТАСС). Афина жиноят суди ақинда чиқарган ҳукмига М. Глезос берган кассация шикоятини кўриб чиққан Афина апелляция судида Манолис Глезос нутқ сўзлади.

У, маъмурлар тўнаётган «жосуслик»да айбдор эмаслигини яна бир марта қатъий қилиб айтмоқчи эканлигини билдирди. «Менинг қамолда олинишимга ва 375-қонун асосида қарбый судга берилишимга менинг «Авги» газетасига директор бўлганлигим ва ЭДА раҳбарлигининг аъзоси эканлигим, яъни ҳукуматнинг сийсий душмани эканлигим бирдан-бир сабаб бўлди», — Глезос айтдики, у «ўзининггина эмас, балки Грециядаги демократияни ҳам таъкидлардан ҳимоя қилишни» истайди.

Глезос қарбый суд томонидан адолатсиз ҳукм қилинганидан кейин Грециянинг юқори суд инстанцияларида ўзининг ҳақли эканлигини, ҳукмининг адолатсиз ва асоссиз эканлигини небот қилиш имкониятидан маҳрум бўлганлигига қарши норозилик билдирди.

Мени, — деди Глезос, — ҳозир ҳам таъқиб қилмоқдалар. «Ҳукумат мени жиноятчилар турмасида ва ўлим жазосига ҳукм қилингандар бўлишда сақламоқда. Бу мени унча тавишланттираётгани йўқ, лекин бу нарса ҳукуматнинг ўз сийсий душманига қарши қандай усуллардан фойдаланаётганлигини кўрсатиб турибди».

Глезос одил суд ва адолат учун курашини давом эттираётгани таъкидлаб ўтди.

## Живидор Украинада

13 АПРЕЛДА  
1930. Ўқувчилар учун рус тилида эшиттириш. «Ўйлаб жавоб топ».

20.00. Етти йиллик план ҳақида ҳикоялар (Ўзбек тилида).

20.20. «Мўъжизасиз мўъжизалар» деган пиклада эшиттириш (Ўзбек тилида).

20.40. Сўнги ахборот. 21.00. Бизнинг интервьё. 21.10. Чехословак бадий фильми «Анчак севги» (16 ёшга тўлган болаларнинг кўриш мумкин эмас).

22.35. «Пойтахтимиз меҳмонлари» деган эшиттириш. Ўш област Киров номи ўзбек мунзикали ва драма театри артистлари концерти. Фильмдан сўнг реклама ва эълонлар.

14 АПРЕЛДА  
1930. Телеочерк «Биз ёш бинокларимиз» (Ўзбек тилида).

19.50. Киножурнал. 20.00. Ленинга меҳнат вахтасида (Ўзбек тилида).

20.15. Сўнги ахборот. 20.35. В. Малковскийнинг «Владимир Ильич Ленин» поэмаси асосида телекомпозиция (Ўзбек тилида).

21.25. Австрия бадий фильми — «Бетховеннинг 9-симфонияси».

Редактор: З. ЕСЕНБОВ.

## ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛГА 1960 ЙИЛНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ УЧУН

якка ва идора обунаси

## ҚАБУЛ ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА